

Қ А Р О Р

2024 йил 12 сентябрь куни Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман суди, Чилонзор тумани ИИО ФМБ биносига, очиқ сайёр суд мажлисида, судья У.Қахаровнинг раислигида, судья ёрдамчиси М.Нарбаевнинг котиблигида, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 41¹-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик юзасидан:

Магруппов Азизжон Анварович (Magrupov Azizjon Anvarovich), 1990 йил 1 июнь куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилмаган, Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, Қумариқ МФЙ, Муқимий тор кўчаси, 10В-уйда яшовчига

нисбатан бўлган 3-1006-2406/10100-сонли маъмурий ҳуқуқбузарлик ишини кўриб чиқиб, суд қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И

ИИО ФМБ профилактика инспектори билдиргиси ва фуқаро Н.Сидиқовнинг аризасига кўра, А.Магруппов 2024 йил 31 август куни 20:15ларда Чилонзор тумани, Бешёғоч МФЙда жойлашган 5-сонли юқимли касалликлар шифохонасида Н.Сидиқовга шилқимлик қилганлиги аниқланган.

Суд мажлисида ҳуқуқбузар А.Магруппов, юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолат бўйича айбига иқрорлигини, Бешёғоч МФЙда жойлашган 5-сонли юқимли касалликлар шифохонасида 14-палатада даволаниб ётганини, 13-палатада ётган бемор Н.Сидиқов билан танишганини, ўша куни Н.Сидиқовга телефон қилиб уни телефонини тузатиб беришини айтиб олдига чақирганини, уни олдига Н.Сидиқов келганини, шамол бўлиб турганлиги сабабли эшикни ёпиб қўйганини, аммо эшикни қулфламаганини, Н.Сидиқовни орқасидан келиб қучоқлаганини, уни бўйнидан ўпиб, жинсий азосига тегганини, уни қўлини ҳам ушлаб ўзини жинсий азосига теккизганини, озгина вақт ўтиб Н.Сидиқов хонадан чиқиб кетганини маълум қилди.

Суд мажлисида сўралган жабрланувчи Н.Сидиқов, юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолат бўйича Бешёғоч МФЙда жойлашган 5-сонли юқимли касалликлар шифохонасида 13-палатада даволаниб ётганини, 14-палатада ётган бемор А.Магруппов билан танишганини, А.Магруппов унга 3-4 кун меҳрибонлик қилганини, ўша куни А.Магруппов унга телефон қилиб телефонини тузатиб беришини айтиб олдига чақирганини, уни олдига борганини, А.Магрупповни телефонини кўриб турганида у эшикни ёпиб қўйганини, А.Магруппов келиб орқасидан қучоқлаганини, уни жинсий азосига тегганини, уни қўлини ҳам ушлаб ўзини жинсий азосига теккизганини, озгина вақт ўтиб хонадан чиқиб кетганини, эртаси куни 102га



кўнғироқ қилганини, А.Магрупповга нисбатан қонуний чора кўришни сўради.

Суд, ҳуқуқбузар А.Магрупповни мазкур ҳуқуқбузарликни содир қилганлиги, ички ишлар органи ходимининг билдиргиси, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома, тушунтириш хатлари билан, суд мажлиси жараёнида аниқланган ҳолатлар ва иш материалларида мавжуд бўлган далиллар билан тўлиқ тасдиғини топади деб ҳисоблайди ва унинг ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 41¹-моддаси билан тўғри малакаланган деб ҳисоблайди.

Суд, ҳуқуқбузар А.Магрупповга жазо тайинлашда, ишдаги оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 30 ноябрдаги “Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни тартибга солувчи қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 35-сонли қарор талабларига риоя қилган ҳолда, унга нисбатан модда санкциясида назарда тутилган маъмурий қамоқ жазоси тайинлашни лозим деб топади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маъмурий қамоққа олинган шахсларни махсус қабулхонада сақлаш билан боғлиқ харажатларни ундириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг I-боби 5-хатбошисига кўра, маъмурий қамоққа олинган шахснинг моддий аҳволи ва шахси ҳисобга олинган ҳолда, ҳуқуқбузарлар махсус қабулхонада сақлаш билан боғлиқ харажатларидан озод қилинишларини лозим деб топади ва бу билан ҳуқуқбузарлар маъмурий қамоқни ўташ вақтида махсус қабулхонада сақланиши билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини қоплаш учун ишлашдан озод этилмаслиги таъкидлаб ўтилганлигини инобатга олиб, ҳуқуқбузар А.Магрупповни махсус қабулхонада сақлаш билан боғлиқ харажатларидан озод қилишни, бироқ ҳуқуқбузар харажатларнинг ўрнини қоплаш учун ишлашдан озод этилмаганлигини қайд этади.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 245, 305, 306, 307, 308, 309, 310 ва 311-моддаларига риоя қилиб, суд,

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Магруппов Азизжон Анварович (Magrupov Azizjon Anvarovich), Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 41¹-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган деб топилсин ва унга нисбатан 5 (беш) сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинлансин.

Жазони ўташ муддати 2024 йил 12 сентябрь куни соат 20:00 дан бошлаб ҳисоблансин ва уни Тошкент шаҳар ИИББ Махсус Қабулхонасига жойлаштириш Чилонзор туман ИИО ФМБ зиммасига юклатилсин.

Жазо ўталганидан сўнг ҳуқуқбузар А.Магруппов махсус қабулхонада сақлаш билан боғлиқ харажатларидан озод қилинсин, бироқ ҳуқуқбузар харажатларнинг ўрнини қоплаш учун ишлашдан озод этилмасин.



Қарордан норози томон биринчи инстанция судининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарори устидан апелляция шикояти (протести) қарор ўқиб эшиттирилган кундан эътиборан ўн сутка ичида, ўзига нисбатан суд қарори чиқарилган шахс ва жабрланувчи томонидан эса қарорнинг кўчирма нусхалари уларга топширилган ёки улар томонидан ушбу кўчирма нусхалар олинган кундан эътиборан худди шу муддатда туман судига берилиши мумкин.

Апелляция тартибида шикоят бериш муддати ўтгач, биринчи инстанция судининг қарори чиқарилган кундан эътиборан олти ой ичида қарордан норози томон ушбу суд орқали юқори турувчи судга кассация тартибида шикоят бериши (протест келтириши) мумкин.

Раислик қилувчи
Аслига тўғри:

имзо

У.Қахаров

